



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

## ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда).

Бунда: компьютер харид қилиш учун ажратиладиган истеъмол кредитлари бўйича фойз **тўловларининг** Марказий банк асосий ставкасининг **1,5 бараваригача** қисми Ёшлар ишлари агентлигининг **Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси) ҳисобидан **компенсация** қилинади;

сертификатларнинг ягона электрон реестри IT-парк томонидан юритилади.

5. **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га** кирган оилалар фарзандлари бўлган ҳамда **“Ёшлар дафтари”га** кирган ёшларга 2023 йил 1 августга қадар **“Бир миллион дастурчи”** лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ва сертификат олган ҳолда, шунингдек, мазкур қарорнинг **4-бандида** кўзда тутилган тартибда **компьютер харид қилиш мақсадида кредит олиш учун Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** томонидан **кафиллик бериш** тизими жорий этилсин.

Ёшлар ишлари агентлиги Молия вазирлиги, Марказий банк ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар мазкур бандда кўзда тутилган кафиллик бериш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ахборот технологиялари соҳасида тахсил олиш учун таълим кредити ажратиш, шунингдек, мазкур қарорнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган тартибда молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги юзасидан ўрганиш ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифлар киритсин.

7. Молия вазирлиги:

а) Ёшлар ишлари агентлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда

тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин:

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга ахборот технологиялари соҳасида тахсил олишга ажратилган таълим кредити бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тақсимлаш;

Жамғарма ҳисобидан нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ахборот технологиялари соҳасида ёшларнинг тахсил олиши учун тижорат банкларига таълим кредитлари учун депозит жойлаштириш;

нодавлат таълим ташкилотларида ахборот технологиялари соҳасида тахсил олаётган ёшларга ўқув курсларида таълим олиш тўловлари учун кредит ажратиш;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун маблағлар ажратишда тижорат банкларига қўйиладиган мувофиқлик мезонларини ўрнатиш;

б) мазкур қарорда кўзда тутилган ахборот технологиялари соҳасида тахсил олиш учун таълим кредити, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга ҳамда IT-парк резиденти бўлган ташкилотларинг ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ёки иштирокчи сертификатини олган ёшларга компьютер харид қилиш мақсадида истеъмол кредитлари бўйича фойз тўловларини компенсация қилиш учун зарур маблағларнинг 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида ўрнатилган тартибда назарда тутилишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6208-сон Фармонининг 7-бандига мувофиқ Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағларни мазкур қарорнинг 4-бандига асосан истеъмол кредитлари бўйича фойз тўловларини компенсация қилиш ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу жамғарма маблағларидан фойдаланишининг бошқа мақсадлариغا йўналтиришга рухсат берилсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатимиз аҳолисининг таълим олиш, меҳнат қилиш ҳамда турмуш шaroитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонунига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (хизматлар)га истеъмол кредити ажратилиши тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ёшларни замонавий билим олиш ҳамда касб-ҳунар эгаллашга жалб этиш бўйича оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида мунтазам равишда тарғибот ишларини амалга оширсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазирини Т.А.Ишметов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Ҳ.Шерматов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З.Саъдуллаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 12 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

# МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЎРТТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари соҳада таълим ва илм-фани ривожлантириш учун “Узметкомбинат”да Металлургия илмий марказини ташкил этиш, Геология университетида қора металл илмий лабораториясини, Навоий давлат қончилик ва технологиялар ҳамда Тошкент давлат техника университетлари қошида технопарклар очиш тақлифини билдирди. Шунингдек, нуфузли хорижий компаниялар ва инжиниринг марказларида ёш мутахассислар малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида вилоят ҳокимлари, қон-металлургия қомбинатлари жамоаси, тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига таширфи давомида “Металлург” футбол клуби қошидаги “El Golazo” футбол академиясида ҳам бўлди.

Ушбу мактаб Испаниянинг таниқли “Реал Мадрид” клуби жамғармаси кўмағида ташкил этилган бўлиб, ўтган йили октябрда фаолият бошлаган. Табиий ва сунъий чимли стадионлар, фитнес зали, ўқув бинолари ва ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. Ўқув машғулотлари “Реал Мадрид” футбол клуби аънааналарига мос равишда олиб борилади. Мураббийларнинг уч нафари испаниялик.

Бугунги кунда академияда 200 нафардан ортиқ ўқувчилар сабоқ олмақда. Бу ерда ўқиш истагидаги ёшлар кўп. Шу боис 11 ёшдан 17 ёшгача болалар танлов асосида қабул қилинади. Яқинда 48 нафар иқтидорли тарбияланувчи Испанияда маҳорат ошириб келди.

Давлатимиз раҳбари академияда яратилган шароитларни кўздан кечирди, болалар билан суҳбатлашди.

— **Шундай замонавий шароитларда ўқийганингиз, ёниб турган кўзларингизни кўриб, хурсанд бўлдим, — деди Президент. — Келгусида сизлардан машҳур футболчилар, чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман. Энг муҳими, соғлом бўлиб улғаясиз, фарзандларингизни ҳам спортга ошно қилиб тарбиялайсиз. Мақсадимиз — ёшлар ўртасида ана шундай муҳитни шакллантириш.**

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу футбол мактаби тажрибасини оммалаштириш бўйича кўрсатма берди.

Бекободлик нурунийлар, секторлар раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан ҳам самимий суҳбат бўлди. Янги маҳаллавий тизимини жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, фуқаролар муаммоларини ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр алмашилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига таширфи якулланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқром АВВАЛБОВ,  
ЎЗА мухбирлари.

## Миллий комиссия йиғилиши

# ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда миллий комиссия аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2022 йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар, ушбу йўналишда халқаро ҳамкорлик доирасида эришилган натижалар ҳамда истиқболдаги вазифалар атрофида таҳлилдан ўтказилди.

Кайд этилганидек, соҳага доир қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, қонунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилди. Буни 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, яъни 3 та қонун ҳамда Президентнинг бир Фармони ва 4 та қарори қабул қилиниб, амалиётга тақриб этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шуларга мос равишда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги 167-сонли қонвенцияси ратификация қилинди. Натижада қурилиш соҳасига меҳнат хавфсизлиги ҳамда гигиенаси бўйича халқаро стандартлар самарали жорий этилиши таъминланмоқда.

Айни пайтда эса ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг солиқлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида меҳнат муносабатларини тар-

тибга солишни назарда тутадиган тегишли қонвенцияларини ратификация қилиш масалалари миллий комиссия аъзолари томонидан ўрганилаётир.

Таъкидланганидек, миллий комиссия томонидан юртимизда соҳада амалга оширилган ислохотларни халқаро ҳамжамият диққат эътиборига етказиш ҳамда мамлакатимиз имижини кўтариш мақсадида қатор халқаро тадбирлар ва давра суҳбатлари уюштирилиб, муайян натижаларга эришилди.

Бу борадаги ютуқларимиз халқаро микёсда ҳам эътироф этилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Хусусан, АҚШ Давлат департаменти томонидан 2018 йилда эълон қилинган “Одам савдоси бўйича йиллик ҳисобот”да Ўзбекистон 3-даража давлатлари қаторидан 2-даражадаги давлатларнинг “назорат рўйхатига” ўтказилган эди. Яқинда эълон қилинган навбатдаги ҳисоботда эса 2021 йилдаги каби халқаро стандартларни

тўлиқ бажариш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошираётган давлатлар рўйхатидан мустаҳкам жой олди.

Эътиборлиси, ушбу ҳисоботда Ўзбекистонда пандемия шароитида одам савдосига қарши курашиш борасида уудаланган ишлар юқори баҳоланган. Хусусан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, шу жумладан, фуқароларни мажбурий меҳнатга ундаган расмийларни аниқлаш ва уларни жазаго тортиш, пахта теримига аҳолини мажбурий жалб этиш ҳолатларининг кескин қисқарганилиги, одам савдоси қурбонлари учун бошпаналар ташкил қилишга маблаг ажратиш масаласига катта эътибор берилганлиги алоҳида қайд этилган.

Тадбирда АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган Жаҳонда одам савдоси тўғрисидаги йиллик маъруза ҳамда унда Ўзбекистон эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар юзасидан билдирилган тавсиялар муҳокамадан ўтказилиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

Иштирокчилар томонидан айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилинди. Бу, ўз навбатида, ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига чиқиш имкониятини янада кенгайтирди.

Бугунги кунда пахта-тўқимачилик йўналишидаги қўллаб йирик бренд қорхоналар вакиллари юртимизга таширф буюриб, ушбу соҳага ин-

вестиция киритиш истагини билдирмоқда. Қолаверса, тўқимачилик қорхоналарида техник ва ишлаб чиқариш стандартларини халқаро даражага мослаштириш нуқтани назаридан тақлифларини ҳам бермоқда.

Шулардан келиб чиқиб, тадбирда миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон тўқимачилик саноатига халқаро техник стандартларни ва ишлаб чиқариш талабларини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Ушбу “Йўл харитаси”да тўқимачилик қорхоналарида техник ва ишлаб чиқариш стандартларини халқаро даражага мослаштириш, халқаро бренд ва йирик компанияларнинг маҳаллий қорхоналар билан ҳамкорлик қилишга, пахта-тўқимачилик саноатига қорхоналаримиз фаолиятига халқаро тан олинган меҳнат, ишлаб чиқариш, техник ва бошқа стандартларни кенг татбиқ этишга қаратилган 20 га яқин тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, мажлисда миллий комиссия таркибидаги Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияга раҳбарлик қилаётган Ички ишлар вазирлиги ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияга раҳбарлик қилаётган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборотлари эшитилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди ҳамда истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

## ХАЛҚИМИЗ ТАҚЛИФЛАРИ АСОСИДА МАРОМИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.



Кун тартибидеги ушбу масала юзасидан парламент қўйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқук масалалари кўмитаси раиси Ж. Ширинов ахборот берди.

Таъкидланганидек, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш Конституцияимизнинг бош мақсади ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар замирида ҳам инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу фикр муассас. Зеро, Ўзбекистон конституциявий ислохотларни амалга оширишда халқ манфаатларидан келиб чиқиб иш тутмоқда.

Жорий йил 1 августга қадар умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига кўра, “Инсон — жамият — давлат”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилларни конституциявий қонун сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини қўлайлаштириш қаратилган. Зеро, Асосий Қонунимизнинг ҳар бир моддаси фуқаролар учун дастурийамалга, ҳаётимиз қондасига айланган лозим.

Шу боис қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида Конституциявий комиссия ҳамда масъул қўмиталар томонидан Бош қорқомсимизни янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, вазирлик, идора ва ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин муҳокама тадбирлари ташкил этилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаларида ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, қўйиники, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча юрдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз тақлифларини билдирди. Умумхалқ муҳокамаси доирасида 150 мингдан ортиқ тақлифлар тушди.

Улар орасида давлатнинг ишсизлигини тугатиши ва зарур ҳолларда хориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам қўрсатиш, меҳнат ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, солиққ тортишнинг мутаносиби ва ижтимоий адолат принципларида мос бўлиши, аёллар ва эркаклар ҳуқуқларининг тенглиги, ёшлар масаласи дав-

лат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиши, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилишини белгилаш ва бошқа шу каби тақлифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу, ўз навбатида, қонун лойиҳаси халқимиз тақлифлари асосида маромига етказилиб, Асосий Қонуннинг том маънода, халқ Конституциясига айланаятганидан далолат беради.

Шунингдек, қонун лойиҳаси қўйи палатанинг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқук масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши, сиёсий партиялар фракциялари йиғилишида муҳокамалардан ўтказилди.

Шу билан бирга, умумхалқ муҳокамаси давомида мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари иштирокида қарийб 40 мартаба масъул қўмиталарнинг мажлислари ўтказилди. Тақлифлари долзарб аҳамият касб этган муаллифлар билан учрашувлар уюштирилиб, улар берган тақлифлар бевосита ўларнинг иштирокида муҳокама этилди. Узоқ ҳудудларда жойлашган тақлиф эгалари билан масофадан туриб онлайн ишлар олиб борилди. Бу эса Ўзбекистон халқига умумхалқ муҳокамада қатнашиб, конституциявий ислохотлар бўйича ўз фикрларини билдириш имконини берди.

Хориждаги сиёсий доиралар ҳамда етакчи экспертларга конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Саудия Арабистонини каби давлатларда конференция, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар юқори савияда ташкил қилинди. Мазкур тадбирларда иштирок этган экспертлар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни юқори баҳрлаб, ўз тақлифларини билдирди ва бу борадаги Ўзбекистоннинг тутган йўлини қўллаб-қувватлади.

Хозирги кунда ҳар бир тақлиф ҳамда экспертиза ҳулосалари экспертлар, мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар иштирокида атрофида муҳокама қилиб боришмоқда. Масъул қўмиталар тақлифларни чуқур таҳлилдан ўтказиб, уларни лойиҳа матнida акс эттириш устида иш олиб борапти.

Мажлисда халқ вакиллари Конституциявий комиссия ҳамда масъул қўмиталар томонидан амалга

оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, халқимиз ўйлаб тахлил қилишга мажбур эътидан қўллаб асосли тақлифларни бераётганини ва бундай тақлифларни эътиборсиз қолдириш ёки уларга юзаки ёндашиш мумкин эмаслигини билдирди.

Шу билан бир қаторда, депутатлар халқимиз орасида “снос” деган муаммо хали ҳам учраб турганини, бундай ҳолатга бутунлай амалда тўлиқ таъминлаш мақсадида Конституциявий қонун лойиҳасига йўлланган янги тақлифлар ҳамда уларни лойиҳада акс эттириш масалаларини муҳокама қилишди. Қолаверса, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан келиб тушган тақлифлар бўйича саволлар берилди.

Мажлисда қонун лойиҳасига тақлифлар асосида бир қатор янги нормалар киритилаётгани, лойиҳанинг матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига қиритилиши, халқ вакиллариининг фикрлари эътиборга олинган ҳолда кейинчалик Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилиши қайд этилди.

Шунингдек, масъул қўмиталар олдида умумхалқ муҳокамаси ҳамда фракциялар йиғилишларида билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳар томонлама эътиборга олган ҳолда, таниқли олимлар, тажрибали экспертларни жалб қилиб, лойиҳани янада тақимлаштириш борасидаги ишларни якунига етказиш вазифаси қўйилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича бундан буён келиб тушадиган тақлиф ва мулоҳазаларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ кўриб чиқишни таъминлаш, мазкур жараёни оңчилик ва ошқоралиқ тамойиллари асосида ташкил этиш чоралари кўриш, маромига етказилган Конституциявий қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритиш лозимлиги таъкидланди.

Қизғин ўтган мажлисда қўмита раиси Ж. Шириновнинг Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари, уни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти маълумот унун қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ  
(«Халқ сўзи»).

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари:

# ҲАР БИР ҲОЛАТ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

## Парламент комиссияси

Йиғилишни Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламент комиссияси раиси А. Саидов кириш сўзи билан очди. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, бу йўналишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 7 июнь кuni Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси ("Йўл харитаси") лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

Миллий ҳаракатлар режасини тузишда барча давлат органлари, хусусан, мамлакатдаги фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этди. Ушбу масала парламент комиссиясда қўрилган, Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Олий Мажлис Қонун-

чилик палатаси Кенгаши ҳамда Сенат Кенгашининг қўшма йиғилишларига киритиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидаги иккинчи масала — 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг ижроси ҳам қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, "Йўл харитаси"-га оид 78 банддан 64 та банд бўйича ишлар бажарилган. 12 та банд юзасидан ишлар давом этаётган бўлса, 6 та банднинг мuddати узайтирилган. Миллий стратегияда белгиланган 33 та қонун ҳужжати лойиҳаларининг 19 таси қабул қилинган ҳолда, 14 тасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Парламент комиссияси йиғилишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган ва бажарилмай қолган бандларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу масалада суст-кашликка йўл қўймаслик ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлашда камчиликларга йўл қўйган тегишли давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини бевоcита Парламент комиссияси йиғилишида қўриб чиқиш зарурлиги айtilди.

Йиғилишда Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғриси-



даги халқаро конвенция қондаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг ўнинчи — ўн иккинчи даврий маърузаларини қўриб чиқиш якунларига кўра БМТ ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмитасининг якуний мулоҳазалари ва тавсияларини бажаришга қаратилган 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасининг ижроси юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, 2022 йил биринчи ярим йиллиги якуни бўйича Миллий ҳаракатлар режасининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Миллий марказ томонидан "Камситишга йўл қўймаслик ва тенглик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Қолаверса, этник гуруҳларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга тўқсинлик қилувчи омиллар бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрланган ҳолда уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш қафолатларини қўчайтириш борасида тақлифлар ишлаб чиқилган.

Комиссия йиғилишида Президентини

мизнинг 2021 йил 26 июндаги тегишли қарори ижроси юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2022 йил биринчи ярим йиллик давомида ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланганидан жойларда қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ишлар юзасидан таҳлилий ахбороти эшитилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Феруза Эшматованинг маълум қилишича, Омбудсман ҳузурида миллий превентив механизм доирасида фаолият кўрсатувчи жамоатчилик гуруҳлари томонидан жорий биринчи ярим йиллик давомида ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахслар сақланганидан жойларга 156 мартабада мониторинг таширфи амалга оширилган.

Мазкур таширфлар давомида ҳаракатланмиш эркинлиги чекланган шахсларни сақлаш шароитлари, хусусан, яшаш ва оқватланиш, меҳнат қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати ва сифати, олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, коронавирус пандемияси даврида санитария-гигиена

талабларига риоя этилаётгани ва бошқа шу каби ҳолатлар ўрганилган.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили Алия Юнусованинг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар учун ҳар томонлама имконият яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ўқиши, малакали тиббий ёрдам қабул қилиши учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ҳисобот даврида Болалар омбудсмени номига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бўзилиши тўғрисида жисмоний ва юридик шахслар вакилларидан, болалар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари томонидан жами 325 та мурожаат келиб тулган ва улар Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан тўлиқ назоратга олинган. 48 та мурожаат идора ва ташкилотлар томонидан қаноатлантирилган бўлса, 189 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Шунингдек, Болалар омбудсмени томонидан бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан давлат ташкилотларига 38 та сўров юборилган. Энг муҳими, ҳисобот даврида Бош прокуратура томонидан 71 нафар тарбияланувчига ота-оналаридан 389,3 миллион сўм алимент ундириб берилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли баённомаси тузилди.

«Халқ сўзи».

## Муҳокама ижродаги СУСТКАШЛИККА ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталари томонидан тадбир ўтказилди. Унда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари муҳокама қўрилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 413 та маҳалла ва қишлоқда ободонлаштириш ишлари олиб борилиши, 8 минг 622 та объектда қурилиш-таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш белгиланган. Маълумотларга кўра, 6 минг 990 лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган, 6 минг 852 таси экспертизадан ўтказилган, 6 минг 268 тасининг тендер савдолари якунланган, 5 минг 40 таси бўйича пудрат шартномалари тузилган.

Бугунги кунда ижтимоий соҳа объектлари — тиббиёт, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб боришмоқда. Шунингдек, электр таъминоти объектларида паст қучанилиши 1 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқлари, 395 та трансформатор пункти янгиланиб, модернизация қилинди. Газ таъминоти узлуksизлигини таъминлаш бўйича 839 дона газ тақсимлаш пункти, 333,3 километр газ тармоғи тафтишдан ўтказилиб, аҳолига 3 минг 623 дона газ баллонни етказиб берилган.

Бундан ташқари, 573 километр ички йўллар асфальтланиб, 1 минг 454 километр йўлга шағал, 220,8 километр йўлга цемент-бетон ётқизилган. Сув таъминотини яхшилаш бўйича 1 минг 251 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари янгидан тортилиб, 109 дона сув иншооти янгидан ўрнатилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, мутасадди идоралар вакиллари билан биргаликда жойларга чиқилиб, дастурлар ижроси муҳокама қилинган ва мавжуд муаммолар тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Шу билан бирга, дастурлар ижросига масъул бўлган идоралар раҳбарлари вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарлик ҳам белгиланган.

Хусусан, Бош прокуратура томонидан ўтказилган назорат тадбирларида дастурлар ижросига масъул бўлган 400 нафардан зиёд мансабдор шахслар расман оғохлантирилган. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 49 та тақдирнома киритилган, дастур ижроси бўйича масъулиятсизликка йўл қўйган 179 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда соҳада олиб борилаётган ишлар эътироф этилган ҳолда, дастурлар доирасида ҳудудларда қурилиш, ички йўллар, газ таъминоти, транспорт қатнови ва ободонлаштириш каби ишларни якунлашга етарлича эътибор қаратилмаганилиги, масъул идоралар томонидан вазиятни ўнглаш юзасидан аниқ ва қатъий чоралар қўрилмаётганилиги танқид остига олинди.

Депутатлар "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларнинг тизимли назоратини олиб боришни алоҳида қайд этдилар.

Тадбирда кун тартибидаги масала юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## «ЧЎНТАК АДВОКАТЛАРИ»НИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА САБАБ НИМА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

## Давра суҳбати

Унда Адлия, Молия, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси ходимлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда юртимизда инсон қадр-қимматини юксалтиришга йўғрилган кенг қўламли ислохотлар фуқаролар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда.

Президентимизнинг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиётли стратегияси тўғрисида"ги Фармонида инсон қадрини юксалтириш ҳамда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2 август кuni бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Давра суҳбати қонун лойиҳасини биринчи ўқиш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган тақлиф-тавсияларни тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда муҳокама қилиш мақсадида уюштирилди.

Қайд этилганидек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юриштишда кўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича давлат ҳисобидан бепул ёрдам кўрсатиш назарда тутилмаганилиги ҳам таъминланган фуқароларнинг Конституциядага қафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига олиб келмоқда.

Масалан, 2021 йилда маъмурий судлар томонидан қўрилган 15 мингта яқин ишлардан 4 мингдан ортиғи пенсия ва нафақа тайинлаш масаласи билан боғлиқ. Ушбу йилги фуқаролик ишлари бўйича судларда 519 мингта яқин ишлардан қарийб 148 мингтаси хотин-қизлар даъво аризалари асосида қўрилган. Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлар



ни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмагани "чўнтак адвокатлари" ва бошқа коррупциявий омиллар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Таъкидланганидек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштирувчи ягона орган белгиланмагани бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига тўқсинлик қилмоқда.

Ушбу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси, қонун лойиҳасида жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномалар билан қафолатланган ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш, ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барқарор, ишончли давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, юридик ёрдам олиш, одил судловга эришишда тенг имкониятлардан фойдаланишни таъминлаш назарда тутилмоқда,

Анварбековнинг эркин кураш бўйича чемпион бўлгани ҳам ушбу соҳадаги ислохотларимиз натижаси, деб биламан.

Бу борадаги энг асосий ютуқларимиздан яна бири — халқимизнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий фаоллиги кундан-кун юксалиб бораётгани, атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, ислохотларимизга дахлдорлик тўғриси билан яшаётганидир. Бунинг исботи Бош қўмитамизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган умумхалқ муҳокамасида халқимиз томонидан 150 мингдан ортиқ тақлифлар билдирилганидан ҳам яққол намоён.

Қарорда белгиланганидек, бу йилги Мустақиллик байрамини юртимизнинг барча шахар ва туманлари, қишлоқ ва овулларида кенг нишонлашимизга етарлича асосларимиз бор. Чўки амалга оширилаётган ислохотларда ҳар бир ватандошимизнинг ўзини яраша муносиб ҳиссаси бор. Ушбу қарор хонажон Ватанимизда инсон шаъни, обрўси ва гуруҳи, умумий айтганда, инсон қадрини янада улуглашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

— дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамажонова. — Шунингдек, лойиҳа билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатиға фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси кенгайтирилмоқда.

Хусусан, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш, тўлаш, уни ҳимоялаштириш манбалари мустаҳкам белгиланмагани, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш адвокатлик фирмасида фаолият юритадиган адвокатлар учун муаммо туғдириши бўйича фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди.

Тадбирда асосли деб топиладиган тақлифлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида эътиборга олинадиган бўлди.

«Халқ сўзи».

## Ўрганиш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 2 август кuni бўлиб ўтган мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

## КОЛОНИЯЛАРДАГИ МАҲКУМЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни, Солиқ кодекси ҳамда Жиноят-иқроия кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, жазони иқро этиш муассасаларида мuddатини ўтаётган маҳкумларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган маҳкумларнинг ҳуқуқ доираси кенгайтирилиб, халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштирилган. Ўзбекистондаги маҳкумларнинг ҳаёт шартлари жазони иқро этиш муассасаларида мuddатини ўтаётган маҳкумларга иш стажини уларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада маҳкумларга рағбатлантириш, мuddатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгиловчи билан алмаштириш чораларини қўриш учун асос бўладиган маҳкумнинг тузалмиш йўлига ўтганлигини баҳоловчи мезонлар белгиланмоқда. Қонун лойиҳасидаги айрим нормаларни такомиллаштириш бўйича депутатлар томонидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасига масъул бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари жазони иқро этиш муассасаларида мuddатини ўтаётган маҳкумларга яратилмаётган шароитлар, соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Зангиота туманида жойлашган Ички ишлар вазирлигининг Жазони иқро этиш департаменти 1-минтақавий ҳуудуд 13-сон жазони иқро этиш колонияси ҳамда 42-сон манзил колониясига таширф буюрди.

Дастлаб ишчи гуруҳ аъзолари 13-сон жазони иқро этиш колониясига бўлиб, озодликдан маҳрум қилинган шахсларга яратилган шароитлар, хусусан, учрашув хоналари, тиббиёт бўлими, реабилитация маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Маҳкумларнинг тузалмиш йўлига ўтганлигини баҳоловчи меъривларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ҳолатини атрофлича ўрганди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда ушбу колонияда 1,3 мингга яқин маҳкумлар жазо мuddатини ўтамоқда. Уларнинг 814 нафари иш билан таъминланган. Яъни муассаса ҳудудига қишлоқчилик, дурадгорлик, юмшоқ мебель ясаш ва бошқа касб-ҳунарга иқтисослаштирилган ишларга қириқш ҳечлариди фаолият олиб боради.

Колония маъмурияси томонидан берилган тавсияга асосан махсус комиссиянинг ҳулоасига кўра, 488 нафар маҳкумларга жазони иқро этиш муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб боришмоқда. Шунингдек, электр таъминоти объектларида паст қучанилиши 1 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқлари, 395 та трансформатор пункти янгиланиб, модернизация қилинди. Газ таъминоти узлуksизлигини таъминлаш бўйича 839 дона газ тақсимлаш пункти, 333,3 километр газ тармоғи тафтишдан ўтказилиб, аҳолига 3 минг 623 дона газ баллонни етказиб берилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ

(«Халқ сўзи»)

## АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ — АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Аждодларимизнинг бой маънавий мероси — архив материалларида" мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, "Ўзархив" агентлиги илмий ходимлари, тарихчи-олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## Тадбир

Таъкидланганидек, юртимиз азалдан илм-фан ва маданият бешиги бўлиб келган. Бу заминда яратилган маданий ва маънавий бой мерос нафақат минтақа, балки жаҳон цивилизацияси тарақиётida фоят муҳим ўрин тутди. Шу боис дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, уларни асраб-авайлашга катта эътибор қаратаётир.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди жадид маърифатпарварлари ғояларидан ёш авлод тарбиясига фойдаланиш вазифаси белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг "Йўл харитаси"да тадқиқотчилар гуруҳини шакллантириш, инновацион тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий-амалий ва инновацион тадқиқот ишлари бўйича муҳокамалар, давра суҳбатлари, амалий семинарлар ўтказиш назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил

кумга рағбатлантириш чоралари қўрилган.

Ўрганиш жараёнида бир гуруҳ маҳкумлар билан учрашув ўтказилди. Унда депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди. Маҳкумлар киритиляётган ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, ўзларининг миннатдорлигини билдирди.

Учрашувда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўптз бир йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарори ҳамда жазони ўтаб бўлган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети" ҳақида кенг маълумотлар берилди.

Шундан сўнг депутатлар 42-сон манзил колониясига бўлиб, у ердаги тиббиёт бўлими, видео-учрашув хонаси, кутубхона ҳамда тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди, маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказилди.

Муассасада ҳунар ўрганишимиз, китоб мутолаа қилишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу ерда, айниқса, ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказиб турилиши диққатга сазовор. Бизни фақат бир нарсга ўртайтиди, у ҳам бўлса озодлик қадрини, яқинларимизнинг соғинчи, — дейди маҳкума О. Сабаидуллоева.

Ўрганиш жараёнида жазо мuddатини ўтаётган ногиронлиги бўлган маҳкумларга зарурий шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам депутатларнинг эътибор марказида бўлди.

Депутатлар ҳолимиздан хабар олиб, бизнинг манфаатларимизга хизмат қиладиган қонун лойиҳаси ҳақида маълумотлар берди. Айниқса, мuddатини ўтаётган маҳкумларнинг муассасада ишлаган даврини умумий иш стажига қўшиб қонун лойиҳаси билан мустаҳкамланаётганидан, Президентимизнинг қарори билан озод бўлган маҳкумларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети", яъни ёрдам пулининг берилишини эшитиб жуда хурсанд бўлди, — дейди маҳкума Д. Нишоновна. — Бунинг учун давлатимиз раҳбари ва депутатлардан миннатдорим.

Депутатлар муассасада жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш масалаларини ҳам ўрганди. Бу таширфлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ҳамда маромига етказишда ўз самарасини беради.

Колония маъмурияси томонидан берилган тавсияга асосан махсус комиссиянинг ҳулоасига кўра, 488 нафар маҳкумларга жазони иқро этиш муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб боришмоқда. Шунингдек, электр таъминоти объектларида паст қучанилиши 1 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқлари, 395 та трансформатор пункти янгиланиб, модернизация қилинди. Газ таъминоти узлуksизлигини таъминлаш бўйича 839 дона газ тақсимлаш пункти, 333,3 километр газ тармоғи тафтишдан ўтказилиб, аҳолига 3 минг 623 дона газ баллонни е

## Низомий ва Навоий:

## ТУРКИЙ АДАБИЁТНИНГ ИККИ МЕХВАРИ

**Ўзбек ва озарбайжон халқлари муштарак маънавий илдишлари, қадимий қардошлик ва дўстлик аънавалари билан қондошлик ва жондошлик ришталарини мустаҳкам боғлаган. Бугунги кунда бу икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг шахсий ташаббуси ҳамда раҳнамолигида икки мамлакат, тили ва дили бир икки халқ ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, маданий-адабий алоқалар янги босқичда ривожланиб бораётди.**

**Икки қардош халқларимиз дўстлиги мустаҳкам илдизга эга. Туркий олам адабий-эстетик тафаккурининг икки меҳвари — Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижодий мероси икки қондош элли тоабид бирлаштириб туради.**

Буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий жаҳон адабиётдаги ноёб бадий ҳодиса — ҳамсачиликни бошлаб берди. Гарчи форсийда битган бўлса ҳам, улуг шоир “Хамса”сида туркий тафаккур, туркий руҳ акс этгани аён. Улуг ўзбек мутафаккири Алишер Навоий эса “Хамса”си билан Низомий Ганжавий бошлаган ижодий аънанани янгилаш баробарида юксак тараққиёт босқичига кўтарди. Озарбайжон — ўзбек адабий алоқаларига доир эътиборга молик илмий тадқиқотлар муаллифи, профессор Алмаз Улвийнинг ёзишича, Алишер Навоий Низомий аънавларини изчил давом эттириш билан чекланмай, туркий адабиётнинг тараққиёт даражасини янада юксалтирди.

Икки буюк шоир “Хамса”ларида ижод концепциясига доир қарашлар қандай акс этгани ҳамда улар ўртасидаги уй-ғунлик ва ўзига хослик нималардан иборат эканини аниқлаш мумкин. Аини хусусиятнинг аниқланиши, биринчидан, туркий халқлар ўртасидаги ўзаро адабий таъсирнинг илдишларини очиб учун асос сифатида хизмат қилса, иккинчидан, буюк ижодкорлар адабий-эстетик қарашларини қиёсий ўрганиш, илмий умумлашмалар чиқариш имконини беради.

Низомий Ганжавий ва Алишер Навоийнинг ижод табиати ҳамда ижодкор тутумига доир қарашлари бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бизнингча, икки буюк адиб бадий ижод олдига қуйидаги адабий-эстетик талабларни қўйган: 1) қалам ва сўзни муқаддас би-лиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақла-ниш; 2) ижод намунаси мукаммал бади-ият билан бирга теран маънони мужас-сам этмоғи зарурлиги; 3) бадий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши; 4) ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши кераклиги.

Ушбу мезонлар Низомий ҳамда Навоий ижоди ва адабий-эстетик қарашларининг моҳиятини белгилайди.

**Қалам ва сўзни муқаддас би-лиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақла-ниш.**

“Хусрав ва Ширин” достонида Низомий қаламининг муқаддас экани маса-ласига алоҳида урғу беради. Буюк шоир таърифича, сўзнинг қадри юксакдир. Буюк шоирнинг сўзни осмонга бойла-ши сабаби шунда. Шу боис у қаламини

ганжномалар қулфини очувчи олмос найзага ташбех этади:

**Ушал мударатки хилват айламишдим,  
Сўзмин осмонга бойламишдим...**

**Қалам илқингда олмос найзадир чин,  
Очар ул печа бир ганжнома қулфин.**

Дарҳақиқат, сўз хазинасига элтувчи йўлнинг очқичи қаламдир. Бирок бу ха-зинани қўлга киритиш осон эмаслиги аён. Ранж тортмай, роҳатдан воз кечмай туриб, бу мақсад ҳосил бўлмайди. Ра-қанч чекмоқ ишида, яъни юксак бадий асарлар ижод қилишда қалам ранж тортмоғи зарурлигини шунинг билан изоҳлаш мумкин.

Шайх Низомий қалам таърифида достоннинг турли бобларида мантиқ зарурати билан тўхталган бўлса, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”нинг алоҳи-да бобини қалам васоғига бағишлайди. Аҳамиятли жиҳати, ҳазрат Навоий ушбу бобни қалам васфи билан бошлаб, икки буюк салафи Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий фазилатлари таърифи билан давом эттиради. Достоннинг маз-кур боби қуйидаги сатрлар билан бош-ланади:

**Қаламни раҳнаварид тезтакдур,  
Адамин манзили фавқ ул-фалакдур.**

Яъни қалам энг илдам йўлчидир, унинг учун масофа аҳамиятга молик эмас. Қаламнинг манзили фалақдан ҳам юк-сакроқда — Аршадидир. Бу ўринда тақдир китоби — Лавҳу-л-маҳфузи ёзган ило-ҳий қалам назарда тутилган. Ҳазрат Навоий фикрича, қалам аҳли буни назарда тутмоғи, маскани фавқ ул-фалак бўлган қаламнинг шарафини ерга урмаслиги зар-ур. Бошқача айтганда, қалам билан фа-қат ва фақат муносиб сўзлар битилимоғи керак. Икки буюк ижодкор Низомий ва Дехлавий ижоди бу борада барча замон ижодкорларига намуна бўла олади. Агар қаламга ана шу улғу шоирлар каби му-носабатда бўлинмаса, масъулият ёдда тутилмаса, ижод аҳли қўлидаги қалам дарёда ўсган оддий қамишдан фарқ қилмайди:

**Қалам баҳри кафиди турфа ишдур,  
Масар дарё аро бутган қамишдур.**

Қаламини васф этар экан, ҳазрат Навоий қалам аҳлининг устози Низомий гарчи Ганжада ором топган бўлса ҳам, ҳар қадами ганж узра экани ҳақидаги фикрни илгари суради. Юлдузлар ғуруҳи осмонни қоплагани сингари унинг ҳази-насида сочилган гавҳарлар яқсар жа-ҳонни тутгани бунинг исботидир. Бу ха-зинадаги гавҳарларнинг қиммати шун-даки, сарфлаган билан адо бўлмайди.



Ҳар кимки, бу гавҳарлардан насиба ола билса, юз йилда ҳам мингдан бири кам бўлмайди.

Шайх Низомий фикрича, қалам аҳли-нинг мартабаси беҳад юксак. Чунки улар икки жаҳон ганжинасининг қалити ҳисоб-ланган сўз билан иш кўради:

**Аҳли қалам чекса-да сўз ранжини,  
Сўзда очур икки жаҳон ганжини.**

Чунки улар қаламини эмас, аслида жонларини тарошлайди. Кўнгилларида сидқ, қалбларида фикрат бўлгани боис ҳам улар ҳар қанча хурматга муносиб-дир.

“Ҳайрат ул-аброр”да буюк салафи, **ватани Ганжа, кўнгли ганжхез, хотири ганжжур тили ганжрез** шайх Низомийни васф этар экан, шоир мана бундай этади:

**Ганжа кўешики, кўтаргач алам,  
Айлади сўз мамлакатин якқалам...**

Яъни Ганжа кўеши бўлган Низомий назм байроғини кўтаргач, сўз мамла-катини якқалам қилди. Буюк салафи шерьиятининг жаҳоний шухратини ҳаз-рат Навоий ана шундай таъриф этади. Бу орқали қалам ва сўзнинг қадри не-чоғлиқ баланд эканига яна бир бор урғу беради.

**Ижод намунаси мукаммал бади-ят билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги.**

Ҳар икки ижодкор — Низомий ва Навоий наздида сўз и л о ҳ и й неъмат си-ф а т и д а қадрланади. Низомий талабига кўра, теран маънони ифода этмаган сўз ёзиб такрор этишга арзимайди. Сўзнинг назм ипига тизилиши ҳали шеър дега-ни эмас, чинакам шеър бўлиши учун поэтик матн замирида чуқур маънодан ташқари ихлос ва жонфидолик тажа-сум топлмоғи зарур. Яна бир шарт, оз сўзда кўп маъно ифодаланмоғи (**Юз этма бир сўзингни, юзни бир эт**), меъ-ёрга амал қилинмоғи (**Керакдир сўзга ҳам сув сингари ҳад**) лозим.

Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достониде

**Назмида ҳам аса анка маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.**

**Назмни маъни анка марғуб эмас,  
Аҳли маоний қошида сўб эмас**

деб ёзар экан, бу орқали замонлар келиб назмнинг суратида янгиланиш-лар бўлишини башорат қилган. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланishi табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишдан қатъи назар, “асл анга маъни” эканини алоҳида таъкид-лайди. Маъни жиҳатдан марғуб бўлма-ган назм маоний аҳлининг эътибори-

ни қозона олмаслигига эътибор қара-тади.

**Бадий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши.**

Ҳар икки мутафаккир таърифи-ча, ушбу фази-латдан маҳрум асар ҳеч қандай қиммат-га эга эмас. Улар фикрича, ижод наму-наси Ҳақ ва ҳақиқат нурига йўғрилмоғи шарт ва зарур. Акс ҳолда ижод аҳлининг сўзи эътиборга тушмайди, эътироф қозо-на олмайди. Низомий “Махзан ул-асрор”да бу борадаги қарашларини қуйидагича ифода этади:

**Кажалигидин гулда тикан битди гар,  
Ростлигидин тоғди шакар найшакар.**

**Қайдаки ростликка тикилай алам,  
Ҳақ ўша байроқни кўтаргай балад.**

Улуг шоирнинг мазкур байтларда қўллаган ташбеҳлари замирида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ростликка, Ҳақ ва ҳақиқатга риоя этиш зарурати ифода-ланган. Унингча, каж, яъни эгри бўлгани боис гулда тикан битади. Тўғри ўсгани, ростлиги туфайли найшакардан шакар олинади. Каердаки ростликка байроқ ти-килса, Ҳақ таоло бу байроқни юксакка кўтарди. Бу фикрларни ижод жараёнига татбиқ этилса, ижодкор учун мезон — ростлик, Ҳақ ва ҳақиқат бўлмоғи керак.

Айни моҳиятни ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да қуйидагича бадий талқин этади:

**Нукта су янглиғ эритур тошини,  
Топса ҳақиқат ўтидин чошини.**

**Бўлса ҳақиқат сўзларидин йироқ,  
Ришма сўзин сўзламаган яхшироқ.**

Яъни ҳақиқат гуҳаридин мосиво сўзни сўзлашдан наф йўқ. Бундай сўз на ҳа-лоқий олдиде эътиборли, на Ҳолиқ наздида. Инсоният тарихининг ибтидо-сидан то бугунга қадар қоғоз қорала-ганлар сони қанча эканини Яратганнинг ўзи билади, улар орасида битиклари эл кўнглига малҳам бўлганлари эса бар-моқ билан санарлидир. Чунки ижод сир-синаотга тўлиқ жараён. Қалбиде ҳидоят нури муҳассам бўлганларгина ҳам халққа, ҳам Ҳаққа манзур асарлар битиш шарафига ноил бўлади. Шайх Низомий ва ҳазрат Навоий ижоди бунинг ёрқин исботидир, улар асарларининг умрбоқй-лиги боиси ҳам шунда.

**Ижодкор ўз мустақил йўли-дан юриши, тақ-лиддан йироқ бўлиши.**

Шайх Низомий Ганжавий жаҳон ада-биётиде ҳос янглик хисобланган ҳамсачиликнинг тамал то-шини қўйди. Буюк мутафаккирнинг “Панж ганж”и жаҳон адабиётиде янги юксак по-

Озарбайжон ва ўзбек халқлари буюк фарзандлари бўлган бу икки мутафаккирнинг ижод концепциясига доир адабий-эстетик қарашлари наинки улар яшаган давр, балки барча замонлар учун ҳам бирдай аҳамиятлидир. Зеро, адабиёт оламига қадим қўйган ҳар бир ёш шоир ёки адиб улар ижод лабораториясига қанчалик чуқур кирса, сўз санъати силрларини нечоғлиқ теран ўрганса, ижодда шунчалик қамолга эришади. Бу эса, ўз навбатида, туркий адабиёт равнакига муносиб хисса қўладиган, салоҳияти юксак ижодкорларнинг янги авлоди шаклланишига хизмат қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”ни ижод қилиш билан эришиш осон бўлмаган ижодий максадни амалга ошириб, буюк салафи Низомий Ганжавий панжасига панжа урди. Икки буюк мутафаккирнинг дўстона ушлаган панжалари ўзбек — озарбайжон адабий алоқаларининг бугунги кундаги ривожини таъминлашда ҳам асос-замин вазифасини ўтаб келаётди. Ушбу адабий ҳамкорлик яна кўп асрлар давомида юксак самаралар беришига ишонамиз.



## Тадқиқ

этик аънанани бошлаб берди. Зеро, шайх Низомийнинг асл муддаоси бетакрор ба-дийят намунасини яратиш эди. Шу боис у қалам урилганга қалам урмади. Дуру жавоҳирга тўла ганж топди ва уни ўз тарозисиде тортди.

**Низомий риштага гавҳар тизган дам**

**Қалам урилганга урмади қалам.**

**Дуру гавҳарларга тўла тоғди ганж,  
Ўз тарозусиде ўзи тортди ганж.**

Низомий асари ҳамсанавислик учун ижо-дий мезон этиб олинди. Унга кўра, “Хамса”га кирувчи бешала достон мавзу ва жанр нуктаи назаридан “Панж ганж”га мувофиқ келиши, ҳар бешала достон ва-зни борасида ҳам аънамага риоя этилиши, сюжети, образлар тизими ва композиция-си Низомий достонига муаносиб бўлмоғи, шунинг баробарида, унга тақлид қилинмас-лиги, бадий-эстетик тафаккур тараққиё-тида мулқ янги поэтик ҳодиса дараҳаси-да ижод этилмоғи шарт этиб белгиланди.

Табиийки, бундай мураккаб вазифа-нинг улдасидан чиқиш осон эмас эди. Кўпчилик ижодкорлар бу ишга уриниб кўргани маълум. Бирок уларнинг аксари Низомий достонига муқобил асар яратишга оҳизлик қилди. Низомий “Панж ганж”ни 1170 — 1204 йилларда яратган бўлса, орадан бир асрдан зиёдрок вақт ўтиб, 1299 — 1301 йилларда туркийлар-дан чиққан улуг мутафаккир Хусрав Дехлавий унга жавобан “Хамса” ярата олди. Ушбу поэтик аънамага жавобан асар ёзиш нечоғлиқ мураккаб эканини ҳазрат Навоий мана бундай ифода этади:

**Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,  
Сарву гул ўтурсунга келмурди хас.**

Яъни Низомийга эргashiб, татаббуъ ёзишга интилганлар, ҳавас қилганлар кўп бўлди. Бирок уларнинг аксари сарву гул қаршисига хас келтира олдилар, холос.

Буюк бешлик — “Хамса”ни ижод этар экан, ҳазрат Навоий ўз олдига масъули-ятли вазифани қўйди: у халойиқ назм қил-гонни мукаррар айламоқ — такрорламоқ фикридан йироқ. Ул зотнинг эътиқодича, бировлар кетидан от сурмоқ, эл югурган йўлдан югурмоқ зинҳор маъқул эмас. Бошқалар гул терган чаманда гул истамоқ оқил иши саналмайди. Ваҳоланки, “**Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп**”. Яъни ҳар ким ўз дидига мос гулни изламоғи, термоғи зарур. Шоир фикрича, шерьият-де ўзгаларни такрорлаш (“**мукаррар ай-ламак**”) айб. Чинакам шоир ўз сози би-лан қуйлаши лозим. Бошқалар кетидан от сурмоқ, ўзгалардан туйғу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Тақлидчилик ижод та-бииятига зид. Ўз сўзини ўзигагина хос услубда ифодалаган ижодкоргина адабиёт оламида ўз ўрнини топади, муайян мавқега эриша олади.

**Нурбой ЖАББОРОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор.

юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳуж-жатларни лотин ёзувиға асослан-ган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш ва эълон қилиш амалиёти тўлиқ жорий этилди.

Ишга янги қабул қилинаётган номзодлар билан давлат тилини би-лиш юзасидан суҳбатлар ўтқа-зиб келинмоқда.

“Тил бор — миллат бор” шои-ри остида “Ўзбек тилининг изоҳ-ли луғати”дан ҳар бир сўз маъно-сининг шарҳи қорхонанинг ижти-моий тармокдаги саҳифасида бе-риб борилмоқда.

Қорхона бизнес режасига ало-ҳида банд сифатида маънавий-маърифий тадбирлар, давлат ти-лини татбиқ этиш жараёнларини молиялаштириши назарда тутган маъзилли пул маблағларини аж-ратиш киритилди. Бу ҳам бўлса, тилимизга ҳар томонлама эъти-бор берилгандандалолатдир.

**Икром ҚУРБОНАЛИЕВ,**  
“Махам-Chirchiq” АЖ  
бошқарув раиси  
маслаҳатчиси.

## ТИЛГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз” деган ҳикматида олам-олам маъно бор. Ҳар бир миллатнинг биринчи рамзи — унинг тилидир. Тил яшаса, миллат ҳам барҳаёт бўлади.

Ўз она тилини мукаммал билган инсон бошқа тилларни ҳам тез ўрганади. Тилининг ранг-баранглиги, жозибасини ҳис этади. Бу борада ўзбек тили, шубҳасиз, дунё тиллари ичида сўзларга бойлиги, ўзига хослиги, асрлар оша сайқал топиб бораётгани билан алоҳида ажралаиб туради.

## Жараён

Эътиборлиси, миллий забони-мизда сўзлашувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Юртимизда ўзбек тилига бўлган эътибор кейинги йилларда янада кўнайд. Президентимиз ташаббу-си билан мамлакатимизда Ўзбек

тили байрами куни кенг нишонла-надиган бўлди. Ҳар бир ташкилот, қорхона, идораларда давлат тилига масъул бўлган ходимлар фаолият олиб бориши таъминланди. Хусу-сан, кимё санояти вақилларидан бири бўлмиш — Тошкент вилояти-нинг Чирчиқ шаҳридаги “Махам-Chirchiq” акциядорлик жамиятида ҳам давлат тили тўғрисидаги қонун-чилик ҳужжатлари икросини таъмин-лаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил май ойида қорхона-мизда “Ўзкимёсаноят” АЖ тарки-бига кирувчи акциядорлик жамият-лари бошқаруви раисларининг маъ-навият ва маърифат ишлари сама-радорилигини ошириш ва давлат тили қонунларига риоя этиш масалалари бўйича маслаҳатчилари ишти-рокида икки кунлик сайёр семинар-тренинг ташкил қилинди. Унда ишлаб чиқилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бўйруқлар ва бошқа икки ҳужжатларни давлат тилида тўғри тузиш бўйича машғулотлар ўтқа-зилди.

Июнь ойида 60 нафар ишчи-ход-им Алишер Навоий номидаги Тош-кент давлат ўзбек тили ва адабиё-ти университетига ҳузуридаги Мала-ка ошириш маркази ўқитувчилари кўмағида давлат тилида иш юритиш бўйича ўз билимларини мустаҳкам-лади.

Машғулотлар якунида курс би-

тирувчиларига сертификатлар ва “Давлат тилида иш юритиш” услу-бий-амалий қўлланмиси тантанали равишда топширилди.

Жамиятга тегишли ҳудудда барча ташки ёзувлар, жумладан, лавҳа-лар, пешлавларлар, эълонлар, ре-клама ва кўргазмалли бошқа ахбо-рот матнлари, ташқи реклама ма-териалларининг давлат тили ва рек-лам тўғрисидаги қонун ҳужжатла-рига мувофиқ бўлиши таъмин-ланди.

Қорхона кириб-чиқиш ва марказ-ий майдонда мумтоз куй-кўшиқ ҳамда мақомлар эшиттирилиши ташкиллаштирилган. Шунингдек, ташкилотта кириш қисмида 3х5 метр ўлчамда электрон монитор ўрнатил-ган бўлиб, юртимизда юз бераёт-ган янгиликлар, қорхона ҳаёти акс этган ахборотлар лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосида ёритиб борилмоқда.

Барча цех ҳамда бўлимларда иш

Халқ сўзи  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юкляб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



|                                                                                                                                               |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.                                                                    |
| Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.                                                                   |
| Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.                                              |
| Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.<br>Босмахона телефони: 71-233-11-07. |

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.30 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6

ТАНЛОВГА  
МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон журналист-лар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администра-цияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий ком-муникациялар агентлиги, Кинематография агентли-ги, Бадий академия, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Рес-публика “Тасвирий ойи-на” ижодий уюшмаси ҳамда Ўзувчилар уюшма-си томонидан ўтказилаёт-ган мамлакатимиз муста-қиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган “Энг улуг, энг азиз” аънавий республика кўрик-танловига ҳужжат-ларни қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

**“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”** шиори остида ташкил қилинаётган ушбу танлов-га топширилган матери-алларнинг голиб ва совриндорлари қуйидаги йўналишларда аниқла-нади:

- босма ОАВ ходимла-рининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- интернет-журналисти-ка;
- журналистлар томо-нидан нашр этилган публицистик мавзу-даги китоблар;
- ёзувчи ва шоирлар-нинг бадий асарла-ри;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарла-ри.

**Эслатма:** ҳужжатлар info@journalistlar.uz элек-трон почтаси орқали ҳам қабул қилинади.

Танловга тақдим этил-ган ижодий ишларга қу-йидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг про-фессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефон-лари.

Танловга 2021